

## «Қуръон мусобақаси 1442» тўртинчи ҳафта саралаш босқичи якунланди



15:00 / 29.01.2021 1473

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг каломи экани ҳақ. Агар банда Қуръонни ихлос ила ўрганишга ҳаракат қилса, албатта фойда топар. Мабодо бирор ҳалал етса, банда айбни ўзидан ахтарсин.

Ҳа азизлар, юртимизда қориларимиз томонидан Қуръони Карим тиловати янграмоқда. Уни Қуръонга муҳаббатли халқимиз мароқ билан тинглаш бахтига муяссар бўлишмоқда ва шу билан бир қаторда Қуръонни ўқиш қоидалари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлишмоқда.

Устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони Карим мусобақаси - 1442» танловининг 4-ҳафта саралаш босқичининг ҳар иккала йўналиши якунига етди. Мусобақа жараёни тобора қизғин тусга кириб, гўзал тиловатларга бой тарзда ўтди. Қориларимизнинг ҳифзи мустаҳкамлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Мусобақада «Ҳифз» ва «Тиловат» йўналишида қатнашган иштирокчилар ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этдилар. Ушбу ҳафта жами 422 нафар иштирокчи рўйхатдан ўтди. Улардан 16 таси ҳифз йўналишида, 406 таси эса тиловат йўналишида беллашишга аҳд қилдилар. Суҳбат асосида ҳар икки йўналишда ҳам 10 нафардан энг кучли иштирокчилар танлаб олинди.

«Ҳифз» йўналишида Абдулҳафиз Боймуродов, Саидаминхон Обидов ва Оятуллоҳ Абдулқодировлар кучли учликдан ўрин олган бўлсалар, «Тиловат» йўналишида эса Ориф Абдуваҳобов, Муҳаммад Исмоил Юсупов ва Азимхон Зиёвуддиновлар ўзларининг тиловат борасидаги маҳоратлари юқори эканлигини намоиш этишди.



Ҳар икки йўналишда биринчи ўринни олган қориларимиз Рамазон ойида бўладиган якуний финал босқичига йўл олдилар.

Аллоҳ таоло барчамизга Қуръонни маҳкам тутиш, Қуръоний ҳаёт кечиришни насиб айласин.

Эслатиб ўтамиз, янги ҳафта учун аризаларни, душанба куни соат 08:00 дан 13:00 гача @azonquronbot манзилида тўлдиришингиз мумкин.